

Бу халқ ўқиши лозим!



17:00 / 06.03.2022 3356

Мўғулларнинг Бағдодга киргандан сўнг қилган энг ёмон иши китоб ва кутубхоналарни ёққани ва дарёга ташлаганидир.

Бағдод бир неча йиллардан сўнг қайтариб олинди. Аммо у китоблар абадий қайтмади.

Адабиёти, маданиятига эътибор бермайдиган миллат йўқ бўлишга маҳкум. Мўғуллар уришқоқ халқ эди. Улар китобни ҳам, адибни ҳам билишмас эди. Улар бир дона қўлёзма ёзишмаган, бир дона бино қуришмаган эди. Улар келди, уришди, ғалаба қилди, ўлдирди, ёқди, ўлдирилди, мағлуб бўлди ва йўқ бўлди.

Бугун уларнинг Бағдодга келганига далолат қиладиган бирор нарса қолмади. Аммо Андалус ўзининг қасрлари, масжидлари, китоблари,

адабиёти, санъати ва архитектураси билан биз мусулмонлар у ерда бир пайтлар бўлганимизга яққол ишора қилиб турибди.

Бу умматнинг илм, маданият байроғини кўтариб инсониятни бир неча аср бошқарганидан таажжубланмаса ҳам бўлади. Бу дин қилич билан келмаган. У билан тарқаманган. Қиличга даъват йўлида инсонларга етиб олиш учун суяниланган, холос. Барча фатҳларда қилич ва урушиш инсонлар билан уларнинг Робби орасини тўсмоқчи бўлганларга қарши охириги чора бўлган.

Қуръони Каримдаги аввалги буйруқ «Ўқи!» деган сўз билан бошланган.

Бадр жангидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асирга тушган мушрикларнинг ўқиш-ёзишни биладиганларидан кимки мусулмон фарзандларидан ўнтасига ўқиш-ёзишни ўргатса, озод қилинишини айтдилар.

Ер юзида шунақанги бошқа бир дин борми?! Юртига душман бостириб келади. Душмандан ғалаба қозонади. Сўнгра душманидан қиличини кўтариб дейди:

«Ўқитишингизни истаймиз. Бу халқ ўқиши лозим!»

«Ҳилол» журналининг 9(30) сонидан олинди